



Баҳромхужа МАХАМАДХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азхар кафедраси
ўқитувчиси

КОФИЯ – АРАБ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИГА ОИД МАНБА

Мустақиллик шарофати билан барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлди. Бу борада сезиларли ютуқларни қўлга киритдик. Жумладан, тарихимизни янгидан ўрганиш бошланди. Юртимизда яшаб, ислом динининг турли соҳаларида сермахсул ижод қилган алломаларимизнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини илмий асосда чуқур ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланди. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан қўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»¹.

Узоқ тарихга эга бўлган ўзбек халқи, унинг юксак маданияти, кадриятлари, бой илмий

мероси бутун жаҳоннинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган ва келмоқда. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг ноёб қўлёзмалар фондида сақланаётган улкан хазина ҳам шу жумладандир. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди дунёдаги энг машхур ва бой фондлардан биридир. У ерда сақланаётган нодир қўлёзмалар ўтмишдаги Шарқ ислом оламининг қарийб минг йиллик тарихини ўз ичига олган. Нафақат Ўзбекистон олимлари, балки бутун дунё олимлари ҳам мазкур қўлёзмалар фондидан фойдаланиб, ўтмиш тарихини ва маданиятини ёритадилар.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида турли соҳаларга оид манбалар жуда қўп бўлиб, араб тили сарф ва наҳв илмлари ҳам шу жумладандир. Шунингдек, араб тили грамматикасига оид манбалар ҳам ушбу фондда анчагинани ташкил этади. Араб тили грамматикасини ўрганиш юртимиз илм-фан ривожига ва тарихидан далолат берувчи

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 524.

буюк меросимизни ўрганишда муҳим омил ҳисобланади. Чунки кўлёмалар фондларида сақланаётган манбаларнинг аксари араб тилида ёзилган. Араб тили грамматикаси асосини сарф ва наҳв илмлари ташкил этади ва баалоғат, фасоҳат каби илмлар уларни бойитади. Мавароуннахрлик олим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Ан-Насафий наҳвга катта эътибор бериб, тафсирини тушуниш учун албатта наҳвни ўрганиш зарурлигини айтади. Чунки уни ўзлаштирмай тафсирини тушуниш кийиндир.

Бу йўналишдаги асарларининг энг машҳури «Ал-Кофия завил ароби фи маърифати қалом ал-аъроби» бўлиб, «Кофия» номи билан машҳур ва наҳв илмидаги мўъжаз кема, яъни муқаддима манба ҳисобланади. Наҳв илмида ёзилган бу асар тенги йўқ ва нодир асар ҳисобланади. «Кофия» китоби Ибн Ҳожиб номи билан машҳур бўлган буюк тилшунос олим Абу Умар Усмон ибн Умар ал-Курдий (646 ҳ. в/э) томонидан ёзилган.

Қарийб саккиз асрдан буён араб наҳв илмида энг асосий қўлланмалардан бири бўлиб келаётган «Кофия» асари бизнинг юртимизда ҳам кенг ўрганилади. «Кофия» халқимиз орасида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, асар ҳақида диёримизнинг қайси бир бурчагига бориб сўраманг, ҳамма - илмли кишилардан тортиб, ўша ернинг оддий одамларигача унинг ҳеч бўлмаганда машҳур асар эканлигини айтишидан маълум. У наҳв илмидаги мўъжаз кема, яъни муқаддима ҳисобланади.

«Кофия» китоби Ибн Ҳожиб номи билан машҳур бўлган буюк тилшунос олим Абу Умар Усмон ибн Умар ал-Курдий (646 ҳ. в/э) томонидан ёзилган. У Мисрда яшаб ўтган. Отаси Миср амирининг ҳожиби, яъни кўрикчиларидан бири бўлгани учун «Ибн Ҳожиб» яъни, «Кўрикчининг ўғли» деган ном унга тахаллус бўлиб қолган. У ҳаёти давомида кўплаб илмларни, жумладан, наҳв илмини чуқур эгаллаб, бу борада кичик бир рисола яратди. Муаллиф ушбу китобини толиблар ёдлашлари ва эсда сақлашлари осон бўлиши учун ихчам бўлишини инобатга олиб, кенг маънони ифода

киладиган сўзлар билан бойитди. Шу боис асар кўпчилик эътиборини қозонди. Китоб ўз замонасида араб тили дарсликлари ичида тенгсиз эди. Асар ўша пайтнинг ўзидаёқ мадрасаларда араб тили дарслиги сифатида ўқиладиган ва наҳв масалаларида манба деб эътибор қилинадиган бўлди. «Раъно ... ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб прўграмида бўлган барча дарсларни битирган. Бу кунларда бўлса бир томондан қизларга сабоқ бериб онасига кўмаклашса, иккинчи тарафдан отасида **кофия** (араб наҳви ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг «Гулистон»идан дарс оладир ...»², «Мадрасаларда асосан ислом фалсафаси ҳамда қадимги грек фалсафасидан айрим қисмларни ўқиш муҳим ўринни эгаллаган. 6-7 йилгача давом этувчи биринчи қисмда талабалар Ибн Ҳожиб Абу Амр Жамолиддин Усмон бинни Умар (1175-1249) томонидан ёзилган, араб тили грамматикасини ўз ичига олган «Кофия» китобини ўқиганлар. Кофия китоби («бидон», «музий», «занжоний», «авомил», «харакот»дан иборат бўлимларга бўлинган) араб сўзларини тўғри талаффуз этишни ўрганишда асосий роль ўйнаган»³.

«Талаба бошланғич мактабни тугатганида, ҳеч ким хатни ўзлаштирганми ёки йўқми, қизикмайди. Мулла бўлиш ёки «мулла» деб номланиш учун у аввало ҳар қандай ўқитувчидан «Бидон» («Билиш») китобини ўрганиши керак эди. Ушбу китобда тожик тилида арабча грамматиканинг асослари баён қилинган. Бундан ташқари, у тожикча «Аввали илм» – («Билимнинг бошланиши») китобини ўқиши керак эди, унда энг муҳим диний қоидалар савол-жавобларда берилган.

Шундан сўнг, талаба «Музий» ва «Занжоний» китобларидан араб этимологиясига ва «Авомил» китобидан араб синтаксисига ўтади. У арабча сўзларни тожик тилига

² Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён / Роман. Ғ. Гулом ном. Адабиёт ва санъат нашриёти, -Т: 1994. - Б. 10

³ Общественные науки в Узбекистане. XIX асрнинг охирида Туркистондаги халқ маорифи тарихидан. (Мадрасалар мисолида). Академия наук Узбекской ССР. №11, 1974. - Б. 53.

таржималари билан бир қаторда ёд олган. Кейин у араб синтаксиси батафсилроқ тасвирланган «Кофия» китобини ўрганиб чиқади. Бу китобларнинг барчасини мударрис бўлган мулла ёки ёрдамчиси «тарбиячи-ўқитувчи» олиб боради. Бу дарслар уч йил давом этади.

Машғулотнинг кейинги босқичи Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Кофия» китобига шарҳ бўлган «Шарҳи Мулло» асарини ўқиш билан бошланади. Энди талаба билан кўзга кўринган ўқитувчилар шуғулланган ва одатда бу дарслар «синф машғулотлари» деб номланган. Улар беш йил давом этади. Бундан ташқари, талаба «Кофия» китобининг охириги қисмларини устоздан алоҳида сабоқ олади⁴. Бу Бухора мадрасасининг XV—XVI асрлардан инкилобгача булган даврдаги машғулотларидан келтирилган лавҳа.

Китоб олимнинг ҳаётлик чоғидаёқ катта шуҳрат қозониб, унинг изоҳ талаб ўринларини ёритиб бериш мақсадида ўша замон олимлари унга шарҳ ёза бошлади. Мисол тариқасида муаллиф билан асрдош бўлган буюк муҳаққиқ, тилшунос аллома Розийуддин Муҳаммад ибн Ҳасан Астрабодий (688 х. в/э)ни айтишимиз мумкин. У «Шархур-Розий алал Кофия» номли тўрт жилдли асар ёзган. Аммо биринчилардан бўлиб муаллифнинг ўзи шарҳ ёзган, деган ривоятлар бор. Муаллиф сарф илми борасида ҳам кўпчилик эътиборини қозонган «Шофия» номли асар ёзган. Разийуддин Астрабодий бу китобга ҳам кичкинагина бир шарҳ ёзган. Бу асар ҳам Кофия китоби билан бирга мадрасаларга сарф илмидан дарслик сифатида киритилган ва унга кўплаб шарҳлар ёзилган.

Мовароуннаҳрда Кофияга ёзилган энг машҳур шарҳ «Шарҳи Жомий» ёки «Шарҳи Мулла Жомий», мадрасаларда қадимдан ушбу «Кофия» китоби ёдлатилиб, «Шарҳи мулла»⁵ ўқитилиб келинган. Устозлар ушбу китобнинг

таърифида «Кофия кофаст дегарей лофаст» яъни, араб қоидасини ўрганиш учун ушбу «Кофия» китоби кифоя қилади, қолгани эса лофдир, дейишади.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Ан-Насафий наҳвга катта эътибор бериб, қуръон тафсирини тушуниш учун албатта наҳв асосий ўрин тутишини, бунда «Кофия» китоби жуда ҳам муҳим ҳисобланишини таъкидлаган. Чунки наҳвни ўзлаштирмай тафсирни тушуниш қийиндир.

«Кофия» асари анъанавий тарзда бошланиб, «калима», яъни сўзга таъриф бериш билан араб тилидаги сўз туркумлари ва уларнинг турлари қуйидагича баён қилинган: сўз бирор нарса ёки ҳодисани аташ туфайли пайдо бўлади, яъни бир маънонигина ифодалайди ва мана шу сўз уч қисмга бўлинади ва улар қуйидагилардир: исм, феъл ва ҳарф. Ушбу сўз туркумларига мансуб бўлган сўзлар бирор маънони англатиши ёки англатмаслиги мумкин⁶. Бу ерда олим исм ва феъл сўз туркумига мансуб сўзлар ўзлари алоҳида келганида ҳам маъно англатиши, ҳарф сўз туркумини ташкил қилувчи кўмакчи, юклама ва боғловчилар эса, ўзлари алоҳида ҳеч қандай маънога эга эмаслигини назарда тутган.

«Кофия»да араб тилидаги сўз туркумларига қискача таърифдан сўнг ҳар бир сўз туркумига алоҳида тўхталиб, улар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар баён қилинган ва бу исм сўз туркумининг таърифи билан бошлаган. Эъроб масалалари давомида Ибн Ҳожиб исмларнинг сон категориясини ҳам баён этиб, уларнинг келишикларини таҳлил этган. Ибн Ҳожиб эса «Кофия»да исм ва феъл эъробини бир мавзу ичида ёритмай уларни алоҳида таҳлил қилган ва феълларни тусланишини «Феъллар» бобида баён қилган.

Муаллиф ушбу асарини толиблар ёдлашлари ва эса сақлашлари осон бўлиши учун ихчам бўлишини инобатга олиб, кенг маънони ифода қиладиган сўзлар билан бойитди. Шу боис асар кўпчилик эътиборини қозонди.

⁶ Рустамжон Раҳматулло. Ал-Кофия. – Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2014. – Б. 8.

⁴ Розенфельд А. Айни воспоминания Садриддин — Москва, 1960. — 1093 с.

⁵ «Шарҳи Мулло» — Абдурахмон Жомийнинг (ваф. 1492 й) «Кофия» китобига шарҳ; Ўрта Осиё мадрасаларида ўрта асрларда диний таълим муассасалари дарслиги.

Асар ўз замонасида араб тили дарсликлари ичида тенгсиз эди. Асар ўша пайтнинг ўзидаёқ мадрасаларда араб тили дарслиги сифатида ўқиладиган ва нахв масалаларида манба деб эътибор қилинадиган бўлди.

Абу Ҳайён ушбу китоб ҳақида шундай дейди: «**Бу китоб фақиҳларнинг нахвсидир**». Асар шу даражада кенг тарқалдики, деярли барча кутубхоналарда мавжуд. Унинг шарҳи 67 тадан ортади. Асарнинг яна мухтасарлари ва 5 та назмда ёзилган нусхалари ҳам мавжуд. Олимнинг ҳаётлик чоғидаёқ катта шуҳрат қозониб, унинг изоҳталаб ўринларини ёритиб бериш мақсадида ўша замон олимлари унга шарҳ ёза бошлади. Шулардан бири муаллиф билан асрдош бўлган буюк муҳаққиқ, тилшунос аллома Розийуддин Муҳаммад ибн Ҳасан Астрабодий (688 х. в/э)ни айтишимиз мумкин. У «Шарҳур-Розий алал Кофия» номли тўрт жилдли асар ёзган. Аммо биринчилардан бўлиб муаллифнинг ўзи шарҳ ёзган, деган ривоятлар бор. Ибн Ҳожиб сарф илми борасида ҳам кўпчилик эътиборини қозонган «Шофия» номли асар муаллифи. Разийуддин Астрабодий бу китобга ҳам мўжазгина бир шарҳ ёзган. Бу асар ҳам Кофия китоби билан бирга мадрасаларга сарф илмидан дарслик сифатида киритилган ва унга кўплаб шарҳлар ёзилган.

«Кофия»га берилган шарҳлардан ичида энг машҳури Абдурахмон Жомийнинг (ваф. 1492 й) бизда «Шарҳ мулла Жомий» номи билан маълум бўлган асаридир. Шарҳ Жомийнинг ўғли Зиёвуддин Юсуф учун 1491 йилда тузилган ва ўша давр мадрасаларида дарслик сифатида қўлланилган. Албатта, Жомий ушбу асарини нафақат ўғли, балки барча илм таҳсил қилувчиларга бошланғич қўлланма сифатида ёзганини асарнинг кириш қисмида айтиб ўтади.

Асар Ибн Ҳожибнинг «Кофия» асарига шарҳ бўлгани учун ундаги тартиб ўзгартирилмаган. Китобда кириш сўзидан сўнг калима ва Калом ҳақида сўз боради. Сўнг ғайрул-мунсариф, марфуот, мансубот, мажрурот, тавобеълар, мабнийёт ҳамда исмлар ва унинг лавоҳиқлари, феъллар ҳамда ҳарф ҳақида сўз боради.

Ушбу асарнинг асл номи «Ал-Фавоид аз-Зиёийя»дир. Оддий халқ орасида «Шарҳи мулло» номи билан маълум бўлган китобча кичик бўлишига қарамасдан шу замон уламолари орасида кенг тарқалди, бугунгача ўз обрўсини сақлаб қолган. Уламолар бу шарҳ Жомийнинг ёзган шарҳлари ичида энг яхшиси дея эътироф этишган ва кўплаб хошиялар ёзишган, жумладан, Ибн Ҳишом ал-Ансорий, Буставий, Исомиддин ва Муҳаммад Исматуллоҳ каби олимлар.

Жомий ўз даврнинг энг буюк тилшуноси, араб тилини ўз она тилидек биладиган ва араб ва форс тилларида кўплаб асарлар ёзиб, араб тили ривожига катта ҳисса қўшган олим. Олим нафақат назм бўстонида, балки диний илмлар пешвоси ҳамдирлар. Айниқса унинг ўз ўғлига қилган шафқати, меҳрибончилиги мол дунё бериш билан эмас, унга бағишлаб китоб ёзиш билан бўлган. Фарзандлари тарбиясига қайғурган ота-оналар олимдан ўрнатилган олсалар арзийди. Абдурахмон Жомий «Кофия» асарига ёзган «Шарҳи мулло» шарҳи нафақат илгари, ҳаттоки ҳозирги кунимизда мадрасаларимизда талабаларга ўқитилиб, сеvimли дарсликлар каторидан жой олган.

Қуръон тили бўлган араб тилининг нозик жиҳатларини ўзида мужассам этган мазкур асарни ўрганиш араб тилини эндиgina ўрганаётганлар учун ниҳоятда зарурдир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, асарда исмнинг барча белги, хусусиятлари, эъроб, жинс, сон ва келишк категориялари тўлиқ таҳлил қилинган, феъл сўз туркумини ёритишдан аввал олим ўзининг фикрларини баён қилган.

Нахв илмида битилган бу асар тенги йўқ ва нодир асар ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам юртимиздаги барча диний таълим муассасаларида мазкур асарни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Араб тилининг нозик жиҳатларини ўзида мужассам этган мазкур асарни ўрганиш араб тилини эндиgina ўрганаётганлар учун ниҳоятда зарур.